

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz


2022 йил 1 февраль
сешанба
№ 04 (1312)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар



Ўзбекистон Республикаси
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҳуқуқлари бўйича долзарб икки ой”

2022 йил февраль-март

ОЙЛИКЛАР ДОИРАСИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА:

- умуммиллий имтиҳон ўтказилади
- аудио подкастлар ташкил қилинади
- Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ҳамкорлик меморандуми имзоланади
- маълумотлар ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилади

@huquqiyaxborot

1 ФЕВРАЛДАН ҚОНУНЧИЛИҚДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

ЭНДИ ЎЗ ХОНАДОНИНГИЗДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШИНГИЗ МУМКИН

ЖИСМОНИЙ шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонидан балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилди.

2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва технологиялар (аэратор, бассейн, автокормушка, УЗВ) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 80 фоизидан ортигини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи (тижорат банкларидан жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), юридик шахслардан олинган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

“МЕҲР ДАФТАРИ” ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ОРҚАЛИ ЮРИТИЛАДИ

“Меҳр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга оид маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқлаш йўлга қўйилмоқда.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЯНГИ ЭКСПЕРИМЕНТ

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими, эксперимент тариқасида, тегишли рўйхатда келтирилган ва ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этаётган давлат ташкилотлари фаолиятида йўлга қўйилади.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими Лобар РОЗИМОВА тайёрлади.

Кўзгу

ЧИРОҚ ЎЧДИ... ЛЕКИН КЎНГЛИНГИЗ ЧИРОҒИ-ЧИ? У ҲАМ ЎЧГАНМИДИ?!

ҲАЁТНИНГ кутилмаган имтиҳонлари, турли зарбалари борлигини уларга дуч келгандан сўнгина англаймиз. Ҳар қандай тасодифларни, фавқулодда вазиятларни, катта қийинчиликларни халқимиз соддагина қилиб “эл бошига иш тушди”, деб изоҳлайди.

2-БЕТ



ЧИРОҚ ЎЧДИ...

ЛЕКИН КЎНГЛИНГИЗ ЧИРОҒИ-ЧИ?

У ҲАМ ЎЧГАНМИДИ?!

ҚАЁТНИНГ қутилмаган имтиҳонлари, турли зарбалари борлигини уларга дуч келгандан сўнггина аңлаймиз. Ҳар қандай тасодифларни, фавқулодда вазиятларни, катта қийинчиликларни халқимиз соддагина қилиб "эл бошига иш тушди", деб изоҳлайди.

Эл бошига иш тушганда эса... инсоннинг ҳақиқий қиёфаси кўриниб қолади, кимнинг кимлиги билинади...

Ўтган ҳафтанинг энг катта воқеаси шубҳасиз, бутун республикамиз ҳудудларининг электр токидан биринчи марта шундай узоқ муддатга узилиб қолиши билан боғлиқ бўлди. Аниқроғи, сешанба кунини ҳатто мамлакатимиз пойтахтининг ҳам электр таъминотидан узилиб қолиши қутилмаган фавқулодда ҳолат бўлди.

Албатта, бугунги техника тараққиёти замида электрисиз яшашни тасаввур қилишимиз қийин. Биринчи галда кўз олдимизга қончилик саноатидаги иқтисодий йўқотишлар, шифоналарда жарроҳлик столида ётган беморларнинг тақдири, йўл ҳаракатидаги ноқулайликлар, бензин, газ ҳамда савдо ва овуқатланиш шохобчаларидаги муаммолар, метро ва ҳатто электр токи билан ҳаракатланадиган тезюрар поездларни тўхтатиб, самолётлар парвозига бир лаҳзада таъсир ўтказган бу иқтисодиёт рельси узилишидан гангиб қолдик.

Айрим замондошларимизнинг эл бошига иш тушганда ундан ўз фойдасини кўзлаб, "унумли" фойдаланиш иллати эса ундан ҳам ошиб тушди. Аслида пандемия даврида баъзи одамлар ҳатто ўз яқинига яхшилиқни раво кўрмасдан, ўз манфаати йўлида ҳар қандай тубанликка тайёр бўлганига гувоҳ бўлган эдик.

Тўғри, пандемия даврида олижаноблик қилган замондошларимиз ҳам кўп эди. Масалан, ўша оғир кунларда ўз тўйига туя сўймаган самарқандлик танти йигит туясини сўйиб, ҳамқишлоқларига текин тарқатгани, ўзи Америкада бўлса ҳам туғилиб-ўсган қишлоғидаги барча оилаларга бир неча кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари учун пул узатган тойлоқлик йигит, кам таъминланган ҳамқишлоқларига бир бошдан майда шохли мол тарқатган қизилтепалик ва шунга ўхшаган хайр-саховатли жуда кўплаб замондошларимиз, албатта, элнинг дуосини олди.

Аммо ўша таҳликали, оғир синовли кунларда йўлларда йўловчи ташийдиган ҳайдовчилар, озиқ-овқат савдоси билан шуғулланадиган "ишбилармонлар", шифонада ўликни ҳам сотишга тайёр тошбағирлар ҳақида ҳам кўп аччиқ хабарлар эшитдик. Дори-дармонларни, ҳатто оддий ниқобни ўн баробар қимматга пуллаб, бой бўламан деганларни ҳам кўрдик, нафратландик.

Ҳар қандай оғир кунлар ҳар биримизни имтиҳондан ўтказишини яхши биламиз, аммо бир-биримизга яхшилик қилишимиз кераклиги одамийликнинг оддий ва олий белгиси эканлигини тан олгимиз келмайди. Ўз манфаатимизни ҳар нарсадан устун қўямиз, бировларнинг бахтсизлиги эвазига ўзимизни бахтиёр қилмоқчи бўламиз. Инсоф, диёнат, инсонийлик деган нарсалар борлиги ҳақида унутиб қўямиз.

Кечаги чироқнинг ўчиш воқеаси кўнгилларимиздаги одамийлик чироғининг нурсизланиб бораётганлигини яна бир бор исботлади. Аслида меҳр-оқибат, одамийлик ҳам кўнгилларни ёритувчи бир офтобдир.

ТЎҒРИ, ТАБИИЙ ОФАТЛАР ВА ТЕГРАМИЗДАГИ ТАЛОФАТЛАРДАН ҚОЧИШНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚ. АММО УНИ ЕНГИШ УЧУН ҲАҚАТ КУЧ ЭМАС, КАТТА ИНСОНИЙЛИК ИЛМИ КЕРАКЛИГИНИ УНУТМАЙЛИК.

Тарихга бир назар солайлик. Бундан ўн йил аввал Японияда содир бўлган Фукусима атом электр станциясидаги ҳалокатни эсланг. Ушанда 160 минг аҳоли ўз уйларини барча нарсалари билан бирга очиқ ҳолда ташлаб шаҳардан чиқиб кетганлиги, гарчи уйларнинг эшиклари ойлаб ланг очилган бўлса ҳам, ҳеч ким ҳеч кимнинг нарсасига хиёнат қилмагани, кўз олайтирмаганлиги ҳақида ўқиганмиз. Бундай

фалокатлар элимиз бошига ҳеч қачон тушмасин, албатта!

Юртимиздаги вақтинчалик "қоронғулик" — электр тармоғидан узилиш оқибатининг, инсонийликнинг йўқолиб бораётганлигидан ташқари яна нимани кўрсатди? Биз ҳали ҳам собиқ шўро давридаги бир-бирига боғлиқлик, кўзга кўринмас "қарамлик" ипларига боғланган эканлигимиз аён бўлди. Демак, электр симларидан фойдаланишда биз билмайдиган занжирлар бор...

**СИЗ СИНОВДАН
ЎТДИНГИЗ:
ЯХШИЛИК ҚИЛИШ
ҚЎЛИНГИЗДАН
КЕЛ(МА)ДИМИ?**

Электр энергияси тизимини қайта ислоҳ қилиш зарур! Ўтган йили августда Юртбошимиз ташаббуси билан Қармана туманида Ўзбекистондаги биринчи куёш панеллари ишлаб чиқарувчи йирик фотоэлектр станцияси ишга туширилган эди. "Nur Navoiy solar" номи ушбу лойиҳа БААнинг "Масдар" компанияси томонидан амалга оширилган. 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган бу станцияда 300 мингта куёш панеллари ўрнатилган. Унинг қуввати 100 мегаватт. Бу ерда йилига 252 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши керак, аслида.

Амалда эса, бу станция ҳали тўлиқ қувват билан ишламаётганлиги, куёш панелларини эса гоҳида шамол учуриб кетаётганлиги ҳақидаги хабарлар ҳам тарқалмоқда. (Бу алоҳида мавзу). Ислохотларга панжа орасидан қараб бўлмайди!



Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

ОДАММИСАН?

— МАРУСА опа тўғри ёзибди. Ўша кунини мен Навоийда эдим. Шаҳарнинг асосий қисмида чироқ ўчмади. Бирок Зарафшон ва Учкудук томонларда йирик корхона ишчилари учун нон тайёрлайдиган цехларда иш тўхтаган. Бундан фойдаланган айрим "тадбиркор"лар нон нархини жуда қиммат қилиб юборишди.

Бундай ноқасларга "Сен қандай одамсан, одаммисан ўзи?", — дегинг келади.



Кўчқор НОРҚОБИЛ,
"Инсон ва қонун"
газетаси бош муҳаррири

ЯНА БИР СИНОВДАН ЎТДИК

— ЎЗ-ЎЗИДАН савол туғилади: Биз бу синовдан қай даражада ўтдик? Афсус, ўша ноқулайликнинг олдини олиш чоралари қўрилатган, оғир аҳволга тушиб қолганларга беғараз ёрдам кўрсатилаётган бир вақтда, айрим "ишбилармон"ларимиз мавжуд вазиятдан унумли фойдаланиб, иқтисодий аҳолини "ошириб" қолишга киришди. Биргина танқис бўлган сув билан боғлиқ ҳолатни айтмай: на харидор, на сотувчи ўзидан бошқаларни ҳаёлига ҳам келтиришмади. Сотувчи сувнинг нархини икки бараварга оширган бўлса, айрим харидорлар бир неча кунга етадиган қилиб сув ғамлади.

Худого шукр, вазият тез изига тушди. Лекин, айримларнинг "кимлиги" кўриниб қолди.




Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

ҚИШЛОҚДА ОДАМЛАР ВАҲИМА ҚИЛИШМАДИ

— ҚИШЛОҚЛАРДА ҳар қадамда дўкон йўқ, туман марказидаги бозор олисда. Айниқса, кейинги кунлар оғир кечди. Ёқилги қуйиш шохобчасидаги узилишлар сабаб пойтахтга ишчиларни ташийдиган автобуслар ёқилгисиз қолди. Кетма-кет икки кун ишчилар ишга чиқа олишмади.

Қишлоқ одамларининг кўпчилиги ҳозиргача чироқ ўчса, пиликли шамчироклардан фойдаланишди. Иккинчи кун кечга бориб чироқ ёнганида улар суюнишди, одатий ҳаёт тарзи бошланди.

Шаҳарда-ку, энергетика тармоғида бир неча соат узилиш бўлди. Қишлоқ аҳолиси бундан икки-уч кун жабр чекди. Очиги, қишлоқ одамлари пойтахтдагидек ваҳима қилишмади. Аксинча, бир-бирига сув етмаса сув берди, тандирда ёпган нонини қўшнисига ҳам улашди.



Гулбахор
ОРТИҚҲУЖАЕВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

СИЗ ҚИДИРГАН НАРСА ТУГАДИ

ДЎКОНГА киришим билан сотувчи: "Сиз қидирган нарса тугади!", деди. Ҳеч бунақа ҳолатга тушмагандим. Ҳайратимни яширолмадим: "Менга нима кераклигини қаердан билдингиз?"

Сотувчи пиёлага солиб ёқиб қўйилган, тугаб бораётган шамга ишора қилиб, "Ҳатто ўзимизнинг ёқиб турган шамимизни ҳам кесиб олиб кетишди" деди. Дўконда оддий сув тугул газли сув ҳам қолмаган экан.


Аҳолига ахборот тарқатувчи манбаларнинг вақтинча ишламай қолгани ваҳимачи, ёлгон ахборот тарқатувчи кишиларга қўл келди. Омма ўртасида шов-шувли хабарларни тарқатиб, интернет тармоғида ўзининг обуначилари сонини оширишни ўйлаган айрим кимсалар ҳам фурсатдан фойдаланиб қолишди.



Мадина
ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

КИМЛАРГАДИР "СЕЗОН" БЎЛДИ

— ЭЛЕКТР таъминотидаги узилиш автомобиль ёқилги қуйиш шохобчаларига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Табиийки, бу ҳолат автомобиль ёқилгисиз танқислигига олиб келди. АЁҚШларда ёқилги йўқлигини рўқач қилиб олган айрим "ишбилармон" киракашлар "сезонимиз" келди, деб йўл ҳақини ҳам икки-уч бараварга ошириб юборишди.



Жасур ТОЖИБОЕВ,
"Инсон ва қонун мухбири

Биргина ўтган йил давомида ННТларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда бир қанча аниқликлар назарда тутилиб, мавжуд бўлган айрим бюрократик тўсиқлар олиб ташланди.

Хусусан, фаолиятини вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган ННТ ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган давлат божи БХМнинг бир бараваридан ярим бараварига қисқартирилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган ҳолда хорижий манбалардан олинган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси БХМнинг 20 бараваридан 100 бараварига-ча оширилди.

Ногириклиги бўлган шахслар, фахрийлар, нурунийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари раҳбарларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатдан ўтказиш муддати 1 ойдан 15 кунгача қисқартирилди.



ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

■ БУГУНГИ кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан белгиланган йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. “Шаффоф хайрия” ягона интерактив портали ишга туширилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилот-

лари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш соҳасида Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 575 та нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд. Уларнинг 376 таси юридик шахс мақомига эга, 199 таси эса, юридик шахс мақомига эга эмас. Вилоятимизда 187 та диний ташкилотлар фаолият юритади.

Ўтган 2021 йилда 15 та нодавлат нотижорат ташкилотлари, 2 та диний ташкилотлар давлат рўйхатидан, 33 та нодавлат нотижорат ташкилотлар эса, қайта рўйхатдан ўтказилди.

Ўтган йили вилоят адлия бошқармасига нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ 65 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 97 фоизи ҳал этилди, бошқаларига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Режага асосан 37 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ва 39 та диний ташкилотлар фаолиятида ўрганиш ҳамда 14 та мониторинг ўтказилди. Ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш ва келгусида тақдоран содир этмаслик мақсадида 60 дан ортиқ таъсир чоралари қўлланилди.

Бошқарма томонидан белгиланган режа график асосида туман (шаҳар)лар кесимида ҳар ойда бир мартаба жойига чиққан ҳолда нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар вакиллари билан семинар тарзида суҳбат ўтказилади. Бу семинарларда қонун ҳужжатларидаги мавжуд имкониятлар, янгиликлар ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда юзага келаётган муаммолари ўрганилади.

Ана шундай тадбирларда аниқланган муаммолар ва мурожаатлар бўйича жойида тушунтириш берилиб, бошқарма иш юритувига олинди. Ваколатли ташкилотлар билан уларни ҳал этишга амалий ёрдам берилди.

Жумладан, Қарши шаҳар “Чемпион” спорт клуби манфаатларини кўзлаб судга даъво киритилиши натижасида нотўғри ҳисобланган 41,6 миллион сўмлик солиқ қарздорлиги бекор қилинди. Келгусида бундай ҳолатларни такрорламаслик мақсадида ваколатли органларга ҳам кўрсатма хатлар киритилди.

Адлия бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида ўтган йили вилоятда фаолият юритувчи 7 та нодавлат нотижорат ташкилоти жами 210 миллион сўмлик давлат гранти ва 2 та нодавлат нотижорат ташкилоти жами 500 миллион сўмлик давлат ижтимоий буюртмаси соҳиби бўлди. Шунингдек, 9 та нодавлат нотижорат ташкилоти 370 миллион сўмлик Республика фондидан ажратилган давлат гранти ҳамда 1 та нодавлат нотижорат ташкилоти 67 минг АҚШ доллари миқдоридан халқаро грант соҳиби бўлди.

**Хасанжон НАСИМОВ,
Қашқадарё вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари**

ЮРИДИК ХИЗМАТ КўРСАТИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

■ ЯҚИН ва ўтмиш тарихдан бизга маълумки, ҳар қандай ўз келажаги ҳақида қайғурган мустақил давлат биринчи навбатда халқ иродасини ифода этувчи, унинг манфаатларига хизмат қилувчи ислоҳотларни бошқичма-бошқича амалга оширади. Бу борада уларни амалга оширадиган қонунлар, фармонлар, қарорлар, фармойишлар қабул қилиб, унинг амалда ижро этилишини таъминлайди.

Президентимизнинг 2021 йил 29 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам ана шундай эзгу мақсад мевасидир. Ушбу қарор асосида қабул қилинган “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги Низом Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаб берди.

Мазкур қарор асосида республикаимизнинг барча туман ва шаҳарларида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Юридик хизмат кўрсатиш марказлари 12 та давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиб келмоқда.

Сирдарё тумани Юридик хиз-

мат кўрсатиш маркази томонидан ҳам ўтган қисқа иш фаолияти давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Марказимиз томонидан ҳозиргача икки мингга яқин буйруқ ва шартномаларга ҳуқуқий хулосалар берилди.

Дастлаб республикаимизнинг Наманган шаҳри, Қарши ва Марҳамат туманларида синов тариқасида жами 23 та давлат органи ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларига юридик хизматлар кўрсатувчи марказлар фаолияти Адлия вазирлиги тизимида йўлга қўйилди. Бу эса, ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

Хўш, Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг афзаллиги нимада?

Юридик хизмат кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, уларга сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний ҳамда ҳар

томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг асосий фаолият йўналишидир. Шунингдек, Марказ ходимлари давлат ташкилотларининг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириши ҳам белгиланган.

Этиборли жиҳати, соҳага тажрибали кадрлар 2 босқичли, яъни тест ва суҳбат орқали танлов асосида очик ва шаффоф тарзда танлаб олиниб, жалб қилинади.

Марказ билан юридик хизмат кўрсатилувчи ташкилотлар ўртасида “E-huquqshunos” электрон тизими йўлга қўйилди. Бу эса, вақтни тежаш ҳамда қоғозбозликнинг олдини олмақда.

Марказлар тегишли ташкилотда қонунчилик ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади.

Марказлар томонидан ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларга хулоса беришда коллегиял, яъни жамоавий тарзда ёндашилади. Бу эса, ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб, сифатли, малакали юридик

ёрдам кўрсатилишини таъминлайди. Коррупциянинг олди олинад. Сабаби, ҳужжатлар фақат электрон тизим орқали айланиб, очик ва шаффоф ҳолатда кўри-ниб туради ва назорат қилинади.

Юридик хизмат кўрсатилувчи ташкилотларга нисбатан ўтказиладиган текширишларда масофавий тарзда иштирок этиш ҳамда уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш амалга оширилади. Зарур ҳолларда Марказ ходими ўз фаолиятини тегишли ташкилот жойлашган бинода ҳам амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, Марказ ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра тегишлича туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларига тенглаштирилган. Марказлар ходими сифатида камида 3 йил меҳнат стажига эга бўлган шахс лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонидан иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу эса, ходимларни рағбатлантириш билан бирга ишга бўлган масъулияти ошишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилиши белгиланган ташкилотлар томонидан Марказ-

лар билан келишилмаган ҳолда юридик тусдаги ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатларга юридик кучга эга эмас ҳамда улар қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Марказлар ходимларига суд процессида юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг вакили сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, марказ ходимлари нотариал идорада 6 ой муддат стажировка ўтаб, малака имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга. Марказларнинг қонуний фаолиятига бирон-бир тарзда аралашиб ва тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиш қатъий тақиқланган.

Бу каби афзалликлар Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашдаги фаолиятида муҳим ўрин тутди, албатта. Хулоса ўрнида айтганда, ЮХКМлар Адлия вазирлигининг етакчи тузилмаси сифатида ўзини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Бахтиёр КУШБАКОВ,
Сирдарё тумани Юридик
хизмат кўрсатиш маркази бош
юрисконсулти**

ХОРАЗМ



БАЛИҚЧИЛАРДАН УНДИРИЛГАН СОЛИҚ ҚАЙТАРИЛДИ

ЯНГИБОЗОР туман адлия бўлими томонидан Президентимизнинг 2020 йил 29 августдаги “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижасига кўра, туман солиқ инспекцияси томонидан қарор ижроси таъминланмасдан келинаётганлиги аниқланди. Яъни, туман ҳудудида жойлашган балиқчилик фермер хўжаликлари сув истеъмоли коллектор-дренаж сувларидан фойдаланган бўлса-да, фермер хўжалиқларига нисбатан солиқ ҳисобланиб, ундириш ҳолатларига йўл қўйилган.

Жумладан, Янгибозор тумани “Боғолон” маҳалласида жойлашган “Оғобек балиқ кўли” балиқчилик фермер хўжалиги 39,390 м³ миқдорда сувни коллектор-дренаж сувларидан истеъмоли қилган, аммо туман солиқ инспекцияси томонидан (сув истеъмоли миқдорининг ҳар м³ 70 сўмдан) 2 миллион 757 минг 300 сўм миқдорда солиқ ҳисобланиб, фермер хўжалигидан ундириб олинган.

Шунингдек, “Бошқиршиқ” қишлоғи, “Жайхун” маҳалласида жойлашган “Ўринбой Мунаввара”, “Бекберганов Алишер”, “Санжарбек — Муродбек — Ўлмасбек” балиқчилик фермер хўжаликлари, “Чўболончи” маҳалласида жой-

лашган “Исо Саид Эшон”, “Боғолон” қишлоғида жойлашган “Вахм кўли” балиқчилик фермер хўжаликлари ҳам сувни коллектор-дренаж сувларидан фойдаланган бўлса-да, уларга асоссиз солиқ ҳисобланиб, ундирилган. Янгибозор туман СИУ томонидан берилган маълумот хатида 2020-2021 йилларда юқорида кўрсатилган балиқчилик фермер хўжаликлари сувни коллектор-дренаж сувларидан олганлиги кўрсатилган.

Туман солиқ инспекцияси томонидан коллектор-дренаж сувлари солиқ солиш объекти бўлиши ёки бўла олмаслиги масаласига эътибор қаратилмаган.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2020 йил 29 августдаги “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида коллектор-дренаж сувларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари солиқ солиш объекти ҳисобланмаслиги белгиланган.

Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши белгиланган.

Туман адлия бўлими томонидан юқоридаги қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан туман солиқ инспекциясига тақдимнома киритилиб, жами 12 миллион 750 минг сўм асоссиз ундирилган солиқ пули фермер хўжалиқларининг ҳисоб рақамига қайтарилиши таъминланди.

Қ. СУЛТАНОВ,
Янгибозор туман адлия бўлими бошлиғи

НАМАНГАН

УЙЧИ туман адлия бўлими томонидан тумандаги “Гулбоғ” маҳалласида жойлашган “Ҳазрати инсон” кўчаси 153-уйда яшовчи фуқаро Б.Кийикбаеванинг икки нафар фарзанди, яъни 1998 йил 21 февралда туғилган И.Маҳмудова ва 2008 йил 11 октябрда туғилган Д.Маҳмудовага туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Кийикбаеванинг қизларига 23 йилдан сўнг туғилганлик факти белгиланди



Мурожаатни ўрганиш жараёнида, ариза муаллифи Б.Кийикбаева ҳақиқатан ҳам ҳозирда Уйчи тумани “Гулбоғ” маҳалласи “Ҳазрати инсон” кўчаси 153-уйда яшаётганлиги, турмуш ўртоғи М.Отақўзиев билан муқаддам Қашқадарё вилоятининг Миришкор ва Муборак туманларида яшаганлиги, Миришкор туманида 1998 йил 21 февралда Ирода, Муборак туманида 2008 йил 11 октябрда Дилафрўз исмли фарзандлари туғилганлиги, болалар тиббиёт муассасасига учрамасдан уй шароитида туғилганлиги, туғуруқхона тиббий маълумотномалари йўқлиги, ҳозирга қадар уларга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олинмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан Уйчи туман ФХДё бўлимига фуқаро Б.Кийикбаеванинг икки нафар фарзандига туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштириб бериш юзасидан мурожаат қилинганда ФХДё бўлими томонидан талаб рад этилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш мумкинлиги маълум қилинган.

Шундан сўнг фуқаро Б.Кийикбаеванинг манфаатини кўлаб фуқаролик ишлари бўйича Учкўрғон туманлараро судига туғилганлик фактини белгилаш тўғрисида ариза киритилиб, суднинг 2021 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра Б.Кийикбаеванинг 1998 йил 21 февралда туғилган Маҳмудова Ирода ҳамда 2008 йил 11 октябрда туғилган Маҳмудова Дилафрўз исмли қизларига Б.Кийикбаевадан туғилганлик факти белгиланди.

Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,
Уйчи туман адлия бўлими бошлиғи

ҚАШҚАДАРЁ

КЕЧИККАН ТАЪТИЛ ПУЛИ



ҚАРШИ тумани, “Манғит” маҳалласида яшовчи фуқаро Ф.Аминова Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, ҳомиладорлик ва туғиш таътили пулининг ундирилишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Ўрганиш жараёнида аниқланишича, Қарши қурилиш коллежи директорининг буйруғига кўра, фуқаро Ф.Аминовага 2021 йил 31 августдан 2022 йил 4 январга қадар ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган бўлиб, бироқ таътил пули

ўрганиш кунига қадар тўлаб берилмаган.

Ушбу ҳолат бўйича фуқаронинг манфаатини кўзлаган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига берилган даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, фуқаро Ф.Аминовага 5 миллион 900 минг 985 сўм ҳомиладорлик ва туғиш таътили пулини ундириб бериш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

Венера БОБОЕВА,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

СИРДАРЁ

Қарз устига ПЕНЯ ҲАМ ҚўШИЛДИ

“UNION station servise” МЧЖ ва “Таъмирлаш тиклаш хизмати” ДУК Сирдарё вилоят филиали ўртасида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома шартлари давлат унитар корхонаси томонидан бажарилмади.



Шундан сўнг, “Union station servise” МЧЖ Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Шартномага асосан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича “Сотувчи” “Харидор”нинг топшириғига кўра, қурилиш маҳсулотлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олиши назарда тутилган бўлиб, шартнома бўйича товарнинг ҳақиқий баҳоси товар етказиб берилганда тақдим этиладиган ҳисоб-фактурага асосан тўланиши белгиланган.

Ўрганиш давомида масъулияти чекланган жамияти томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра, корхонага жами 72 миллион 300 минг 200 сўмлик маҳсулот етказиб берилганлиги, жамият томонидан етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўлаб бериш юзасидан корхонага талабнома юборилган бўлса-да, уни тўлаб бериш чоралари кўрилмаганлиги, натижада корхона жамиятдан 72 миллион 300 минг 200 сўм қарздор эканлиги маълум бўлди. Ушбу қарздорлик тарафлар ўртасида тузилган таққослаш далолатномасида ҳам ўз аксини топди.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбу-

рият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда кўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шунингдек, Кодекснинг 263-моддасига мувофиқ, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга асосан, вилоят адлия бошқармаси томонидан “Union station servise” МЧЖ манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Қайд этилганларга асосланиб, мазкур даъво аризаси қаноатлантирилди, суд қарори билан Сирдарё “Таъмирлаш тиклаш хизмати” ДУК ҳисобидан “Union station servise” МЧЖ фойдасига 72 миллион 300 минг 200 сўм асосий қарз ва 8 миллион сўм пеня, жами 80 миллион 300 минг 200 сўм ундирилиши белгиланди.

Жаҳонгир ШАМИРЗАЕВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Ўқишимни кечки таълимдан сиртқи таълимга кўчира оламанми?

— МЕН Фарғона давлат университети Рус тили филологияси факультетининг кечки бўлимида ўқийман. Ўқишимни ушбу факультетнинг кечки бўлимидан сиртқи бўлимига кўчирмоқчиман. Лекин ўқишни кечки таълимдан сиртқи таълимга кўчириш мумкин эмас, дейишди. Шундай қилишлари тўғрими?



— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарорига асосан тасдиқланган 3-илова “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандига кўра, кечки (сменали) таълимдан сиртқи (махсус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига кўчириш ҳақидаги аризага рад жавоби берилишига асос бўлиши белгиланган.

Оилавий корхонамизга коммунал тўловларда имтиёз борми?

— Оилавий корхонамиз учун коммунал тўловларда қандай имтиёзлар бор? Тўловларни юридик шахс сифатида эмас, жисмоний шахслар учун белгиланган тариф асосида амалга оширсак бўладими?



— Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасида оилавий корхонанинг коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини таъминлаш тартиби белгиланган. Унга кўра, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойга етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлади.

Уйдаги набирамга алимент тўлашимиз тўғрими?

— Ўғлим расмий никоҳ билан оила курган турмуш ўртоғи билан ажрашган. Уларнинг вояга етмаган 1 нафар фарзанди бор. Набирамни келиним бизнинг уйга ташлаб кетган. У бошқага турмушга чиқди. Лекин боланинг таъминоти учун алимент ундириш учун судга ариза берибди. Бола ўғлимнинг қарамоғида бўлса ҳам, келиним алимент ундиришни тўхтатмаяпти. Уйдаги набирамга алимент тўлашимиз тўғрими? Шу ҳолатда алимент олишни қандай қилиб тўхтатишимиз мумкин?

— Ўғлингиз Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 105-моддасига асосан “Алимент тўлашдан озод этиш ҳақида” даъво ариза билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 17-бандига мувофиқ, бола таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки буйруғи ижро этилиши вақтида бола алимент тўлаётган отанинг тарбияси ва қармоғига ўтган бўлса, ундирувчи эса, алимент олишдан воз кечмаган бўлса, кейинги тўланадиган алиментдан озод қилиш масаласи ота томонидан тегишли тартибда кўзга тутилган даъво асосида суд томонидан ҳал этилиши белгиланган.

Даъво ариза киритиш учун унга асос ва илова бўладиган ҳужжатлар, яъни ўғлингиз яшаётган манзилдаги маҳалла фуқаролар йиғинидан фарзанди ўғлингиз билан яшаши тўғрисидаги далолатнома, алимент ундиришга чиқарилган суд буйруғидан нусха, ўғлингиз ва унинг собиқ турмуш ўртоғининг фуқаролик паспорти нусхалари, давлат божи ва суд почта харажатлари тўланганлиги ҳақида квитанциялар тақдим этилади.



Кўшнимнинг уйдан сув тошди, етказилган зарарни қандай ундирсам бўлади?

— Кўп қаватли турар жойнинг иккинчи қаватида яшайман. Учунчи қаватда яшайдиган кўшнимнинг хонадонидан сув тошиб, уйимизга зарар етказилди. Кўшним етказилган зарарни ўз ихтиёри билан тўлаб бермаяпти. Уйимни таъмирламасам бўлмайди, зарарни қандай ундирсам бўлади?

— Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 24-моддасига кўра, уй, квартира мулкдори уй, квартиранинг асралишини, тегишли техник ва санитария ҳолатини таъминлаши, уларни ўз ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 985-моддаси биринчи қисмида “Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қоплашиши лозим”лиги назарда тутилган.

Шу сабабли Сиз кўшнимнинг томонидан хонадонингизга етказилган зарарни ундириб беришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Судланмаган одам қандай қилиб такроран жиноят содир этиши мумкин?

— Турмуш ўртоғим фирибгарликда айбланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. У илгари судланмаган, бундай ҳаракатни биринчи марта содир этганди. Нега унинг ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддаси учинчи қисми “а” банди билан такроран жиноят содир этиш деб баҳоланди? Ахир, судланмаган одам қандай қилиб такроран жиноят содир этиши мумкин?



— Сиз айтган ҳолат бўйича суд ҳукми ўрганилди. Суд турмуш ўртоғингизга ҳукм чиқаришда мавжуд далилларни ўрганиб, қонуний ҳулосага келган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 32-моддасига мувофиқ мазкур кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Шунга кўра, турмуш ўртоғингизнинг ҳаракатлари такроран содир этилган деб квалификация қилинган.

Мастлик жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди

— Мастлик ва бошқа психотроп моддалари таъсирида жиноят содир этилган бўлса, жавобгарликдан озод қилинадими? Бундай ҳолатлар учун жавобгарлик қандай белгиланган?

— Мастлик жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 19-моддасига асосан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Ақсинча, бу ҳолатда, Жиноят кодексининг 56-моддаси “о” бандига асосан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-ироқига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади.



Қачонгача туғуруқ таътилидаги ходимнинг ўрнида ишлайман?

— Яқинда ишга кирдим. Мени туғуруқ таътилидаги ходимнинг ўрнига ишга олишган экан. Қонунан



Саволларга “Мадад” ННТ Қўқон шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Мукаррам ТАШБОЛТАЕВА жавоб берди.

мен ўриндошлик асосида ишга қабул қилинган бўламанми? Қачонгача туғуруқ таътилидаги ходимнинг ўрнида ишлайман? У ишга қайтса, мен ишдан бўшаим керакми?

— Агар бошқа асосий иш жойингиз бўлмаса, ўриндошлик асосида ишга кирган ҳисобланмайсиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарорига асосан “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра ходимнинг ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари асосий ишдан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши ўриндошлик асосида ишлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 105-моддасига кўра, иш берувчи Сиз билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Мазкур моддага асосан иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.



Касаллик даврим учун пул оламанми?

— Ўқитувчиман. Яқинда меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолдим, 1 ойдан бери буйрагимни даволатаяпман. Иш жойимдан касаллик даврим учун пул оламанми? Иш стажим 10 йил бўлди, ойлик иш ҳақим 3 миллион 500 минг сўм эди. Энди менга қанча тўлов қилинади? Қарамоғимда 1, 3, 7, 11 ёшли 4 нафар вояга етмаган фарзандим бор.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 26-бандига кўра, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда тўланади.

Шунга кўра, Сизнинг меҳнатга қобилиятсизлик даврингизда 3 миллион 500 минг сўм ойлик иш ҳақингиз тўлиқ берилади.

Эътибор беринг, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ўзининг сифат ва самара босқичига кирди! Ёшлар билан ишлаш механизми умумийлик услубидан тизимлик сари қадам ташлади. Аниқроқ айтганда, ёшлар муаммолари билан доимий ишлаш учун маҳаллалар танланди. Давлат бошқаруви органларининг қуйи, ўрта ва юқори бўғинларидан иборат вертикал тизимга асос солинди. Бундан кўзланган мақсад нима? Мақоламиз шу мавзуда.

ЭНДИ “УЮШМАГАН ЁШЛАР” КАМАЯДИ

Қарорда мақсад, вазифалар ва уни бажаришга масъуллар аниқ белгиланди. Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида маърифий жамиятнинг бош тамойили саналган маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самардорлигини ошириш мақсад сифатида белгиланди. Илмий нуқтаи назардан ёки амалий тажрибадан ҳам маълумки, шахснинг тарбияланганлик, маърифийлик ёки маданият даражаси ҳар қандай давлат ва жамиятнинг тараққиётида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, мавжуд 9 минг 309 та маҳаллаларда Ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Демак, энди ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган, давлат ва жамият эътиборидан четда қолиб, ўз кунини ўзи кўришга мажбур бўлаётган, “уюшмаган ёшлар” атамасини олган ёшлар камаяди. Улар билан тизимли иш олиб борилади.

Ёшлар етакчисининг ўзи ҳам ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, билимли, ташаббускор, ташкилотчи, иқтидорли ва муайян кўникмага эга ёшлар орасидан туман миқёсидаги нуфузли комиссия томонидан танлов асосида муносиб номзодлар орасидан танлаб олиниши белгиланди. Уларнинг асосий вазифалари ҳам белгиланди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни шакллантириб, уларни электрон платформаларга киритиб боришни мунтазам ташкил қилиш, маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини миллий кадрлар, маданий-маърифий тадбирлар ёрдамида мазмунли ўтказиш, ёшларнинг иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш, ҳаётда ўз ўринларини топишига қўмаклашиш ҳақида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Муҳими, ёшларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий юксалишини таъминлаш назарда тутилмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликка мойил ёки жазони ижро этиш муассасалари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация ва ҳаётга мослашувига қўмаклашиш чоралари қўрилиши ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаслигини билдиради, албатта.

Таъбир жон бўлса, муаммолар ўчоги саналган маҳаллаларда ёшлар илгаригидек зерикиб, нима қилишини билмай, тушкун кайфиятда вақтини бекорга ўтказишига тўлиқ барҳам берилди. Табиийки, ўзининг ҳаётга ижтимоийлашувига катта амалий ёрдам, яъни шарт-шароитларни таъминлаётган давлатимизга нисбатан ёшларда ишонч, меҳр, эҳтиром ва бурчдорлик туйғуси эркин шаклланади. Натижада маҳалладаги ёшларнинг тўғри тарбияланиши ва бирор касб-ҳунарга йўналтирилиши сабаб уларнинг аксариятида Ватан равнақи учун эзгу ишларга журъат пайдо бўлади.

■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.



МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР МАЗМУНИ

Маданият ва санъат инсон камолотида муҳим ўрин тутди. Мазкур Қарорда ҳам инсон қалбида эзгуликни шакллантиришнинг манбаи бўлган маданият ва санъат етакчи ўринга қўйилди. Ёшлар етакчиси фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида фарзандларимизга гўдакликдан бошлаб бутун умри давомида асқотадиган олтига муҳим йўналиш белгилаб берилди.

Соғлом турмуш тарзи ва спортга ҳам бежиз эътибор қаратилаётгани йўқ. Тана соғломлиги руҳиятнинг соғлом бўлишига имкон беради. Бу эса, ёшларда табиатга хурмат билан муносабатда бўлиш кўникмасининг шаклланишига замин яратади.

Бугунги ахборот асрида замонавий ахборот технологияларига эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ, албатта. Ҳеч биримиз ҳаётимизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилолмаймиз. Ушбу соҳа айни пайтда инсонларнинг мушқулини осон қилувчи асосий ёрдамчи бўлгани учун ҳам уни пухта билишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Маънавият ва китобхонлик инсон ҳаётининг мазмунини белгилаши бор гап. Маърифатли жамият айнан шу омилларга боғлиқлиги бу аксиома.

Ватанпарварлик ва ҳуқуқий маданиятни ёшлиқдан шакллантириш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Инсоннинг ўз Ватанини севиши, амалдаги қонунчиликдан хабардорлиги, ҳуқуқни қўллаш даражасининг юқорилиги миллий давлатчиликни юксалтиришнинг асосий элементлари саналади.

Ёшларни тадбиркорликка йўналтириш ва тадбиркорлик гояларини қўллаб-қувватлаш вазифасининг муҳим саналишига эътибор қаратилаётганида ҳам катта мантқ бор. Зеро, шахснинг тадбиркор бўлиши нафақат унинг шахсий моддий фаровонлиги билан боғлиқ, балки мулкдорнинг давлат ва жамиятга моддий ҳамда маънавий наф келтириши ҳам бор гап. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги мазкур олтига йўналиш нафақат ёшларга муайян даврий

бир тадбир балки ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб кундалик ҳаётининг таъминланиши шарт бўлган муҳим вазифалиги билан ҳам аҳамиятлидир.

ҲАМКОРЛИК НИМАГА КЕРАК?

Ёшларга оид давлат сиёсати республикамизда фақат масъул бир ташкилот томонидан эмас, давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигига таяниши ҳам қарорда ўз ифодасини топган. Унга қўра, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон спорт федерацияси белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва мазкур агентлик қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарордаги механизмларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур ҳужжатда маҳаллаларда ўз фаолияти давомида юқори натижадорликка эришаётган Ёшлар етакчиларини давлатимиз томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласининг аниқ белгилангани ҳам эътиборга молик. Ва бу механизм янги тизимнинг самара беришига туртки бўлиши шубҳасиз. Жумладан, маҳалладаги

Ёшлар етакчиларининг фаолларини бир ойлик иш ҳақига тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти ҳамда “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўрак нишони билан тақдирланиши белгиланди. Уларнинг амалдаги миллий кадрлар захирасига киритилиши ёхуд иш жойи ўзгарганда ҳарбий ва махсус унвонларнинг сақлаб қолиниши ҳам белгиланди.

Маҳаллада фаолият юритадиган Ёшлар етакчисига масъулиятли вазифалар юкланди, муҳим ваколатлар берилди. Жумладан, ёшларга берилдиган 13 та йўналишдаги моддий ёрдам турларининг айнан уларнинг тавсияси асосида берилиши механизми 2022 йилнинг 1 мартидан амалга киритилиши ёшлар сиёсатини мамлакатимизда том маънода амалга оширишга киришилганидан дарак беради.

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги яна бир муҳим янгилик маҳалларда янги ташкил этилаётган тузилманинг амалда реал ишлаб кетишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси аппаратида 3 нафар штат бирлигидан иборат Ёшлар ишлари шўбаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларида маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилиши белгиланди. Мазкур механизмларнинг яратилиши Янги Ўзбекистонда ёшлар муаммоларини конституциявий асосда ҳал этишга киришилганини англатади.

Яна бир муҳим масала — давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларидаги ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорга — биринчи проректор, филиаллар директори ўринбосарига — директорнинг биринчи ўринбосари мақоми берилгани бўлди. Агар эътибор билан қарасак, бу ўзгаришлар фақат лавозимлар бўйича бўлмапти, балки бу ислохотлар ёшлар масаласининг қўламини, залвори ва масъулияти билан узвий боғлиқ! Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг давлат миқёсида устувор вазифага

амалда айланаётганида қўрилади.

Ана шу нуқтан назардан ҳам ҳужжатда умумий ўрта таълим мактаблари директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ёшлар масалаларида идораларо ҳамкорлик ва Етакчилар фаолиятига қўмаклашишга масъул сифатида белгиланди.

Қарорнинг тегишли бандида ёшлар масалалари билан шугулланиш ҳамда ҳудудларда мазкур фаолиятни мувофиқлаштириш ижро ҳокимияти шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан амалга оширилиши мустақамланди. Бунинг сабаби ёшлар масаласининг стратегик аҳамияти ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги билан боғлиқлигида намоён бўлади.

Шунингдек, қарорда маҳаллаларда Ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил этилиб, унинг зиммасига Етакчиларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ўз вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун услубий қўмаклашиш ва маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал “маҳалла — туман — вилоят — республика” бошқарув тизимини яратиш бўйича ишлар самардорлигини назорат қилиш белгиланди. Етакчилар фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан идораларо ҳамкорликни таъминлаш вазифалари юклатилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда Ёшлар ишлари агентлигига маҳалладаги Ёшлар етакчисининг вазифа, функция, ҳуқуқ, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш юзасидан намунавий низомни тасдиқлаш, ҳар ҳафтада ҳокимлар ва Етакчилар иштирокида маҳаллаларда амалга оширилган ишларни муҳокама этиб бориш, Етакчилар фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида ҳар ҳафтада ҳудудларга чиқиб, маҳаллабай ишлаш тизими асосида амалга оширилаётган ишларни жойида ўрганиб бориш вазифалари юклатилди. Шунингдек, ҳар ойда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига ахборот киритиб бориш, икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифалари юклатилди. Бундай вазифаларнинг белгиланиши ёшлар ташкилотига эътибор ва эътироф билан бирга ўз ўрнида катта масъулият ҳам юклайди, албатта.

Республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Шу нуқтан назардан қараганда бу ҳужжатнинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, ташкилий-ҳуқуқий асосларини аввало яхшилаб тушуниш, бошқаларга ҳам тушултириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти талабларига риоя қилган ҳолда унинг ижросини таъминлаш ҳам масаланинг муҳим томони саналишини унутмаслигимиз керак.

Эшмухаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети Конституциявий
ҳуқуқ кафедраси профессори
в.в.б., юридик фанлар доктори

БУГУНГИ кунда иқтисодий судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар ўртасидаги низола бўйича ишларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликларни тадбиркорлар фойдасига талқин этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Солиқчиларнинг ўз фаолиятига оид қонун ҳужжатларини чуқур билмаслиги ТАДБИРКОРЛАРГА ҚИММАТГА ТУШАЯПТИ

Бунинг натижасида айрим ҳолларда назорат қилувчи органлар, хусусан, давлат солиқ хизмати идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ қарзини акцептсиз тартибда ундириш билан ҳолатларнинг асосиз эканлиги, соҳа мутахассисларининг, ҳатто ўз фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ҳам чуқур билмаслиги ёки тўғри қўлласлиги, энг асосийси, тадбиркорларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун оила идорама-идора юриб, натижа бўлмағач, охир-оқибатда судга мурожаат қилганидан сўнггина ким ҳақу ким ноҳақ эканлиги ҳолатлари аниқланаётганлиги ҳам ачинарлидир.

Жумладан, суд даъвогар “Abbos sohil qurilish loyiha” МЧЖнинг жавобгар Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда қўшимча жавобгарлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги, вилоят Молия бошқармаси, вилоят Газначилик бошқармасига нисбатан вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 3 мартдаги электрон тарзда кўйилган 1200153422-сонли инкассо топшириқномасини асосиз деб топиб, ҳисобдан чиқарилган 268 миллион 808 минг 338,24 сўм пул маблағини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги даъво ишнини кўриб чиқиб, ана шундай ҳулосага келди.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, “Onlane bozor trade” МЧЖ (сотувчи) ва “Abbos sohil qurilish loyiha” МЧЖ (харидор) ўртасида 2021 йил 18 декабрда тузилган ҳисоб-шартномасига асосан “сотувчи” “харидор”га 15 фоиз ҚҚС билан бирга қўшиб ҳисоблаганда етти турдаги жами 398 миллион 119 минг 991 сўмлик қурилиш материалларини сотиш, “харидор” эса, маҳсулотлар қийматини олдиндан тўлаб бериш мажбуриятини олган. “Харидор” томонидан 2020 йил 30 декабрда 57-сонли ҳисобварақ-фактура билан жами етти турдаги 398 миллион

119 минг 991 сўмлик (ҚҚС билан бирга) қурилиш материаллари қабул қилиб олинди, 2020 йил 18 декабрда 38-сонли тўлов топшириқномаси асосида 398 миллион 200 минг сўм миқдорида тўлов амалга оширилган.

Шунингдек, 2020 йил 30 декабрдаги ҳисоб-шартномага кўра 15 фоиз ҚҚС билан бирга қўшиб ҳисоблаганда жами 415 миллион сўмлик қурилиш материаллари 2020 йил 30 декабрдаги ҳисобварақ-фактурага асосан қабул қилиб олинди, 2020 йил 30 декабрдаги тўлов топшириқнома асосида 415 миллион сўмлик тўлов амалга оширилган.

Бундан ташқари, 2020 йил 20 декабрдаги ҳисоб-шартномаси бўйича “Onlane bozor trade” МЧЖга кўрсатилган хизматлар учун ҚҚС билан бирга 2020 йил 18 декабрдаги тўлов топшириқномаси асосида 332 миллион сўм тўлаб берилган.

“Muzaffar nasaf karvoni” МЧЖ (Ижрочи) ва “Abbos sohil qurilish loyiha” МЧЖ (Буюртмачи) ўртасида 2021 йил 25 январдаги 7-сонли ҳисоб-шартномаси бўйича 2021 йил 25 январдаги ҳисобварақ-фактура асосида 492 миллион 999 минг 999 сўмлик (ҚҚС билан бирга) янги йил арчасини монтаж қилиш ва безаш ишлари қабул қилиб олинди, 2021 йил 26 январда тўлов топшириқнома асосида 133 миллион сўм, 2021 йил 27 январда тўлов топшириқнома асосида эса 360 миллион сўм, жами 493 миллион сўм миқдорида тўлов амалга оширилган.

Бироқ “Abbos sohil qurilish loyiha” МЧЖ томонидан “Onlane bozor trade” МЧЖга ва “Muzaffar nasaf karvoni” МЧЖга тўлаб берилган, жами 213 миллион 678 минг 262 сўм қўшилган қиймат солиғи “Onlane bozor trade” МЧЖ ва “Muzaffar nasaf karvoni” МЧЖ томонидан бюджетга ўтказиб берилмаганлиги сабабли жавобгар даъвогарнинг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси кўйиб, ушбу

маблағларни ундириб олган.

Суд даъво ишнини келтирилган далиллар ва қонун ҳужжатлари асосида ўрганиб чиқиб, уни қисман қаноатлантириш ҳақида ҳулосага келди.

Сабаби, Солиқ кодексининг 14-моддасига кўра ҳуқуқни сунистеъмом қилишнинг, битим қалбакилиги (кўзбўямачилик учун тузилганлиги) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Аммо даъвогар томонидан тузилган 2020 йил 18 декабрдаги 108-сонли, 20 декабрдаги 107-сонли ва 30 декабрдаги 109-сонли шартномалар суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилмаган.

Қолаверса, даъвогар томонидан 2020 йил 30 декабрдаги 57-сонли, 58-сонли, 31 декабрдаги ҳамда 2021 йил 25 январдаги ҳисобварақ-фактуралар асосида қўшилган қиймат солиғи “Onlane bozor trade”, “Muzaffar nasaf karvoni” МЧЖларга 2020 йил 18 декабрдаги, 30 декабрдаги, 2021 йил 26 январдаги ва 27 январдаги тўлов топшириқномалар асосида тўлаб берилган. Шунингдек, даъвогар томонидан тўловлар амалга оширилган вақтда “Onlane bozor trade” ва “Muzaffar nasaf karvoni” МЧЖларни қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари (“Onlane bozor trade” МЧЖнинг гувоҳномаси 2021 йил 13 январда, “Muzaffar nasaf karvoni” МЧЖнинг гувоҳномаси 2021 йил 3 февралда бекор қилинган) амалда бўлган.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида кайд этилганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Мазкур ҳолатлар сабабли суд даъво талабини қисман қаноатлантириб, тадбиркор фойдасига 213 миллион 678 минг 262 сўм миқдорида асосиз олинган қўшилган қиймат солиғини қайтариш ҳақида қарор қабул қилди.

Албатта, ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаати ҳимояси суд томонидан сўзсиз таъминланади. Бир томондан давлат бюджетини шакллантиришдек гоётда муҳим ва машаққатли вазифалар солиқ идоралари зиммасида эканлигини ҳам тушуниш мумкин. Аммо, ушбу тадбиркорлик мисолида ҳалол меҳнат эвазига топилган даромадини асосиз ва қонунга зид равишда солиқ қарзи учун қайта-қайта ундириб олинишига эса шунчаки оқий бир ҳолат сифатида қараб бўлмайдми.

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ,
Қарши туманлараро иқтисодий суди раиси

АСЛИ водийлик бўлган Шарофат Ҳамроева (исм-шарифлар ўзгартirilган) Ноила Абдуолимова билан олдиндан жиний тил бириктириб, аёллардан шахвоний мақсадларда фойдаланиб, уларни Россия Федерациясига жўнатиш билан шуғулланган. Шарофат жиний режани амалга оширишда шериғи Ноила билан ҳамкорлик қилган. Гап шундаки, Ноилдан қарз сўраганларга у антиқа шарт қўйган. Кунларнинг бирида Шоҳиста исмли аёл ундан 300 АҚШ доллари қарз сўрайди.

ОДАМ САВДОСИ — КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲ



— Бераман. Ойига 30 фоиздан устама берасиз. Шоҳистага ўша кунлари пул жуда зарур бўлганлиги сабабли унинг шартига кўнади. Орадан ойлар ўтади. Ноила берган пулини сўрайди.

— Сизга берган пулларим фоизи билан 1600 доллар бўлди...

Табийки, Шоҳистада бунча пул йўқ эди. Айтиш керакки, Ноиланинг режаси “иш” берди. Шоҳиста айтилган пулни бера олмаслигини била туриб, унга шарт қўйди.

— Гап бундай, Россияга кетасиз, йўл харажатларини ўзим тўлайман. У ерда сизни Шарофат деган танишим кутиб олади. Сизга айтсам, у ерда қиладиган ишингиз эркаларнинг кўнглини оласиз. Шу йўл билан пул топасиз...

Москва шаҳрида Шоҳистани Шарофат Ҳамроева кутиб олиб, ижарадаги уйига боришади. Ўша кунийёк Шоҳистанинг паспортини олиб кўяди. Шоҳиста қарзидан қутулиш учун уларнинг айтганини қилиб, жирканч иш билан шуғулланади. “Мижоз”лардан олган пулнинг бир қисмини ўзида қолдириб, қолганини Шарофатга жўнатиб турган. Шоҳиста қарзларидан қутулгач, юртига қайтиб келган.

Шарофат ва Ноила худди шундай “сценарий” бўйича яна етти нафар аёлни Москвага жўнатиб, улардан фойдаланган.

Уларнинг қора қилмишлари жабрланувчиларнинг аризаси асосида фош этилади. Ноила Тошкентда бўлганлиги учун дастлаб у жиний жавобгарликка тортилади. Маълум вақтдан кейин Шарофат ҳам қилмишлари учун суд олдида жавоб берди.

Кузатишлар ва ҳулосалар шуни кўрсатмоқдаки, одам савдосидан азият чекаётган жабрланувчилар орасида аёллар ва вояга етмаган ёшлар борлиги бизни янада ҳушёрликка чорлайди.

Одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгар ва тўдаларни ўргимчак тўрига қийслаш мумкин. Ўргимчак тўрига тушган ҳар қандай ҳашарот унинг ўлжасига айланади. Одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг тўрига илиниб қолиш ҳам ана шундай аянчли оқибатлар билан тугайди. Шундай экан, одам савдосига қарши огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Замондошларимизни ҳушёрликка, огоҳликка даъват этсак, уларни одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолишдан асраган бўламыз.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
жиний ишлари бўйича
Миробод туман суди судьяси

ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 12 январь куни Қарши шаҳридаги “HUQUQLARNI TIKLASH” адвокатлик бюроси адвокати Ostanov Xayrillaga бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000085-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг

13 январь куни Қарши тумани “ALI NIMOYACHIN” адвокатлик бюроси адвокати Magdapon Aliqul Chariyogovichga бошқарма томонидан 2019 йил 24 июлда берилган KS 000199-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 30 ноябрдаги 114-А-ум-сонли буйруғига асосан “MUXIDDINOV DEFENDER

OF JUSTICE” адвокатлик бюроси адвокати Muxiddinov Abdurasul Raximovichga бошқарма томонидан 2021 йил 30 июнда берилган TS 000484-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида берилган адвокатлик мақоми А.Muxiddinov Судьялар олий мактаби магистратурасига кирганлиги муносабати билан ўқув даврига тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 13 январдаги буйруғи-

га асосан адвокат Kurbanov Zakirjon Jugakulovichga бошқарма томонидан 2021 йил 19 августда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000203-сонли, 2021 йил 14 сентябрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000204-сонли лицензияларнинг амал қилиши ва бошқарманинг буйруғига асосан берилган адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №205, 21.10.2021 й.) унинг аризасига мувофиқ тугатилди.

Инсон ва қонун
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази наشري
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир
Кўчқор НОРҚОБИЛ


ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Икрамов Музраф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдшева Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Навбатчи
Гулбахор Ортиқхўжаева
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4050
Буюртма — V-5016

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5



Лев ТОЛСТОЙ

БАДИИЙ АДАБИЁТДА АДОЛАТ ТАЛҚИНИ

ҚАДИМГИ Миср шоҳларидан улуғ Бойкос ўз шаҳарларидан бирида адолатли қози борлигидан хабар топибди. Айтишларича, у жуда ростгўй бўлиб, оқни оққа, қорани қорага ажратар, унинг ўткир нигоҳидан битта ҳам муттаҳам қочиб қутулолмас экан! Иттифоқо, бир куни шоҳ Бойкос бунга ишонч ҳосил қилиш мақсадида савдогар кийимини кийибди-да, ўша ростгўй қози яшайдиган юртга равона бўлибди. Йўлда бир чўлоқ пайдо бўлиб, ундан хайр-садақа сўрабди. Шоҳ унга садақа бериб, йўлида давом этибди. Аммо тиланчи унинг этагига осилиб олибди.

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ



— Хўш, сенга ўзи нима керак? — сўрабди шоҳ Бойкос.

— Сен менга садақа бердинг, лекин яна бир илтифот кўрсат, мени отингда шаҳар ўртасидаги майдонга олиб бор, токи мени йўлдаги от ва туялар эзиб ташламасин!

Шоҳ Бойкос чўлоқни отига мингаштириб, шаҳар марказидаги катта майдонга олиб борибди. Сўнг отини дарахтга боғлаб қўйибди, аммо қайсар тиланчи отдан ҳеч тушмас эмиш. Шунда шоҳ Бойкос дебди:

— Хўш, нега отда ўтирибсан, биз этиб келдик, энди отдан туш! Тиланчи унга шундай жавоб кайтарибди:

— Ахир, от меники бўлса, нега ундан тушишим керак, агар гумонинг бўлса, унда шаҳар қозисига борамиз! Атрофдаги оломон ҳам буни эшитиб, шовқин солибди:

— Қозига боринглар, тўғри ҳукмни қози чиқаради!

Ноилож шоҳ Бойкос ҳалиги чўлоқ билан шаҳар қозисининг олдига боришибди. Қозининг ҳовлисида тумонат одам тўпланган бўлиб, қози бу одамларни навбати билан ҳузурига чақирар экан.

У биринчи бўлиб олдига бир олим ва деҳқонни чорлабди. Улар битта гўзал аёл учун қозининг ҳузурига келишган экан. Деҳқон ўша аёлни хотиним деса, ё тавба, олим ҳам “бу аёл менинг завжаи ҳалолим” дермиш! Қози икки томонни тинглаб бўлиб, ҳукм чиқарибди:

— Аёл менинг уйимда қолади, сизлар эса эртага келасизлар!

Улар чиқиб, хонага қассоб ва ёғфуруш киришибди. Қассобнинг қўли қон, ёғфурушнинг қўллари эса мойга беланган экан. Қассобнинг қўлида пул, ёғфуруш эса унинг қўлидан маҳкам тутиб олибди.

Шунда қассоб арз-додини айтибди:

— Тақсир, мен бу одамдан ёғ сотиб олиб, энди пулини бермоқчи эдим, у қўлимдан маҳкам ушлаб, пулни мендан тортиб олмоқчи бўлди. Мен қўлимда кармоним, у эса менинг қўлимдан ушлаган ҳолда ҳузуригизга келдик! Пуллар меники,

ёғфуруш муттаҳам, ўғри!

Ёғфуруш эса қуйидагиларни айтибди:

— Бу ҳаммаси бўҳтон! Қассоб олдига мой сотиб олиш учун келган эди. Мен унга кўзасини тўлдириб мой куйдим. У мендан динорини майдалаб беришимни сўради. Мен майда чиқариб, пештахтага қўйдим. Қассоб бу пулларни олиб қочмоқчи бўлди. Мен шу пайт унинг қўлидан ушлаб сизга олиб келдим, тақсир! Қози бироз сукут сақлаб, кейин шундай дебди:

— Пуллар менда қолади, сизлар эртага келинглар.

Навбат шоҳ Бойкосга келгач, у ҳам бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берибди. Шунда қози чўлоққа юзланибди. Чўлоқ қуйидагиларни гапирибди:

— Унинг гаплари фирт ёлғон! Мен ўз отимда сайр қилиб юрган эдим. Бу одам эса мендан ўзини майдонгача элтиб қўйишимни сўради. Кейин менга тўхмат қилиб, бу от ўзиники эканлигини даъво қилди. Унинг гаплари фирт ёлғон! Буни эшитиб, қози жавоб кайтарибди:

— Отни менинг уйимда қолдириб, ўзларингиз эртага келинг! Эртасига эрталаб шаҳарнинг марказий майдонига тумонат одам тўпланган, ҳамма қозининг адолатли қарорини кутар экан.

Биринчи бўлиб олим ва деҳқон қозининг қабулига киришибди. Қози ўйлаб туриб, ўзининг биринчи қарорини халққа эълон қилибди:

— Хотин олимга тегишли, деҳқонга эса эллик дарра урилсин! Олим ўз хотинини олибди, деҳқон эса жазога тортилибди. Кейин қози қассоб ва ёғфурушни олдига чақарибди. — Бу пуллар сеники, дебди қози қассобга. Кейин ёғфурушга юзланибди: — Ёғфурушга эллик дарра урилсин!

Ниҳоят, навбат шоҳ Бойкос ва чўлоққа келибди.

— Сен ўз отингни йигирмата бошқа отнинг орасидан таний олсанми? — сўрабди қози шоҳ Бойкосдан.

— Таний оламан, тақсир! — жавоб кайтарибди шоҳ Бойкос.

— Сен-чи?! — юзланибди қози чўлоққа.

— Мен ҳам отимни танийман! — жавоб берибди чўлоқ.

— Ортимдан юринглар-чи!

Ҳаммалари биргалашиб, отхонага ўтишибди. Шоҳ Бойкос гувоҳлар олдига йигирмата от орасидан ўзининг отини кўрсатибди. Кейин қози чўлоқни чақириб, уни отхонага олиб борибди ва ундан ўз отини топиб беришни сўрабди. Чўлоқ ҳам ўша отни кўрсатибди. Шундан сўнг қози ўз ўрнига ўтиб, қарорини ҳаммага эълон қилибди:

— От Бойкосники, чўлоққа эса эллик дарра урилсин!

Иш куни тугаб, қози уйига қайтаётганида, шоҳ Бойкос унинг ортидан эргашибди.

— Хўш, нима гап, ё менинг қароримдан норозимсан? — сўрабди қози шоҳ Бойкосдан.

— Йўғ-э, мен қарорингдан розиман, фақат хотин олимники, пуллар қассобники, от меники эканини қандай аниқлаганинга ақлим етмаяпти!

Шунда қози жавоб кайтарибди:

— Хотин кимникилигини мен бундай билиб олдим: уни эрталаб ҳузурига чақириб, “Сиеҳдонга сиеҳ қуйиб бер!” деб сўрадим. У сиеҳдонни олди, уни чақонлик билан ювиб-тозалаб, сўнг сиеҳ қуйди. Афтидан, хотин бу ишни олдин ҳам қилиб юрган, шунинг учун бу иш унга унча қийин бўлмади. Агар у деҳқоннинг хотини бўлганида, бу ишни уздай олмасди. Демак, хотин олимга тегишли бўлиб чиқди. Пулларни эса сувга солиб қўйдим, эрталаб қарасам, пиёладаги сувнинг бети топ-тоза. Агар бу пуллар ёғфурушга тегишли бўлганида, сув юзида мой доғлари пайдо бўларди. Демак, қассоб тўғри гапирган! От кимга тегишли эканлигини аниқлаш анча оғир кечди. Чунки чўлоқ ҳам сенинг отингни таниди. Сизларни отхонага бошлаб борганимда, мен учун сизларнинг отни танишингиз эмас, балки отнинг сизларни таниши зарурроқ эди! Сен яқинлашганимда, от бошини кўтариб сенга интилди, чўлоқ унга яқин келганида эса от қулоқларини чимирди! Бунга кўра, отнинг ҳақиқий хўжайини сен эдинг!

Шунда шоҳ Бойкос дебди:

Мен оддий савдогар эмасман, шу юртнинг подшоҳи — шоҳ Бойкосман! Одамларнинг сен ҳақингда айтаётган сўзларига ўзим гувоҳ бўлиш учун бу ерга келган эдим! Сенинг ростгўй қози эканинга буткул ишондим! Тила тилагингни, сени мукофотлайман!

Ростгўй қози вазминлик билан жавоб кайтарибди:

— Менга мукофот керак эмас, жаноби олийлари, улуғ шохимнинг мақтовлари мен учун энг олий шараф!

Рус тилидан Раҳмат ТўЛА таржимаси

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ



ДАВЛАТИМ ишларини тўра ва тузукка асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим...

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топшурдим... Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим.

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан сипоҳларимни, раиятни умид ва кўрқинч орасида тутиб турдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим.

Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатга мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм етказмадим.

Яна тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай яқунлиниши тақдир пардаси орқасида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгаш-у тадбир еттириб, фикрларини билмоқ лозимдир... Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, (улардан) фикр сўрар эдим...



ХАЙДОВЧИ ВА ИМОМ

Шайх Нобулсий қуйидаги воқеани келтиради:

ЛОНДОНГА кўчиб келиб яшайдиган имом бор эди. У уйдан масжидга автобусда қатнар эди. Бир куни автобусга чиқиб, йўл ҳақини тўлаб ўтирди. Хайдовчи берган пулига қайтим бераётиб, керагидан 20 пенс ортиқча берди (бу арзимас қиймат).

Имом бироз ўйланиб, ўзига:

— “Бу ортиқча маблағ менга тегишли эмас ва уни қайтаришим лозим. Чунки, бу ортиқча пул менинг ҳаққим эмас”, — деди.

Сўнгра унга: “Бу биров назарга илмайдиган қиймат-ку, қолаверса, бу пул сабабли автокорхонага ҳеч бир зарар етмайди. Демак, бу пул Аллоҳнинг менга ҳадяси ўлароқ ўзимда олиб қоламан, хайдовчига эса индамайман”, деган ўй келди.

Имом бир ундай, бир бундай ўйлар оғушида ўзи тушадиган бекатга келиб тўхтагач, у чўнтагидан ортиқча 20 пенсни чиқариб хайдовчига бериб:

— Марҳамат қилиб олиб қўйинг, менга керагидан ортиқ қайтим бериб юборибсиз, — деди.

Хайдовчи табассум ила пулни олиб:

— Сиз янги имом бўлиб келган инсонсиз-а? Менда анчадан бери масжидингизга бориш, динингиз билан танишиш фикри бор эди. Узр, аммо қани нима қилар экан деб, атайин ортиқча қайтим қайтарган эдим, — деди.

Бугунга келиб, майда пулларни бермай қўя қолади-ганлар пайдо бўлган.

Эътибор қилсак, арзимасгина чақалар ҳам иймонли, охираддан умиди бор инсонлар учун қийматли бўлиб, бировни ҳақи ҳаром, ўзгани мулкига тажовуз Аллоҳ газабига дучор бўлиш ва ҳалокат сари юз тутиш эканига амин бўламиз.

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан